

## Саййида Оиша бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳонинг фазллари: Набавий лутф



12:07 / 11.11.2018 3701

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамиз розияллоҳу анҳога ўша пайтда ўзларига хос шароит яратиб беришга ҳаракат қилар эдилар. Кўпинча у зот Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг ёшлари кичиклигини эътиборга олиб, у кишининг даражаларига тушар эдилар. Қисқа қилиб айтадиган бўлсак, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамиз розияллоҳу анҳога набавий лутф кўрсатар эдилар.

3077. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

**«Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида қўғирчоқ ўйнар эдим. Дугоналарим келар эдилар ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан тортиниб қолар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уларни мен томон йўллаб қўяр эдилар».**

Имом Аҳмад ва имом Абу Довуд Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан келтирган ривоятда қуйидагилар айтилади:

«Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мен билан мусобақалашган эдилар, мен у зотдан ўзиб кетдим. Бир муддатдан сўнг менинг гўштим оғирлашганда яна мен билан мусобақалашиб, мендан ўзиб кетдилар ва

«Ҳалиги билан биру бир», дедилар».

Қаранг, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамиз розияллоҳу анҳо билан югуриш мусобақаси ўтказган эканлар. Бу югуриш мусобақаси ўтган пайтда у зотнинг ёшлари эллик учдан ўтган эди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамиздан ўзиб кетган кейинги югуриш мусобақасида эса у зотнинг ёшлари ундан ҳам катта бўлади.

Имом Бухорий, Муслим ва Насайлар Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қиладилар:

«Абу Бакр кирганида, олдимда ансорийларнинг қизларидан икки қизча Буос кунни ансорлар айтган нарсани қўшиқ қилиб айтаётган эдилар. Икковлари қўшиқчи эмас эдилар. Шунда Абу Бакр:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уйларида шайтоннинг нағмаси бўляптими?!» деди. Ўша кунни ийд кунни эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Абу Бакр, ҳар бир қавмнинг байрами бор. Бу бизнинг байрамимиздир», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Абу Бакр у(Оиша)нинг олдида Мино кунларида кирганида унинг ҳузурида икки қизча қўшиқ айтар ва дуфф (доира) чалар эдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эса кийимларига бурканиб, ухлаб ётар эдилар. Абу Бакр иккови (қиз)ни сўкиб, тўхтатди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бошларини очиб:

«Тек қўй уларни, эй Абу Бакр, бу кунлар ийд кунлари», дедилар», дейилган.

Бу ривоятда зикр қилинган икки қизчанинг бири Ҳумома, иккинчиси Ҳассон ибн Собитнинг қизи эди.

Буос Мадина яқинадиги бир жойнинг номи бўлиб, у ерда Авс ва Ҳазраж қабилалари орасида уруш чиқиб, бир юз йигирма йил давом этган. Бу урушда Авс қабиласи ғолиб келган бўлса ҳам, адоват узоқ давом этган.

Фақат Ислом келганидан кейингина адоват кўтарилган. Арабларнинг одати бўйича, ўша Буос урушида икки тараф фахр учун мақтаниб, байтлар

айтган. Мазкур байтлар халқ орасида кенг тарқалган. Ривоятда зикри келган икки қизча ҳам ўша байтларни ёд айтишган.

Иккинчи ривоятда «Мино кунлари» дейилишидан ҳодисанинг қурбон ийди кунлари бўлиб ўтгани билинади.

Имом Бухорий, Муслим ва Насайлар Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қиладилар:

«Ийд куни эди. Қоралар қалқон ва найзаларни ўйнашар эди. Ёки мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўрадим ёки у зот:

«Томоша қилишни хоҳлайсанми?» дедилар.

«Ҳа», дедим.

У киши мени орқаларига турғиздилар. Юзим у кишининг юзларига тегиб турарди. У зот бўлсалар:

«Эй Бани Арфидалар, давом этаверинглар», дер эдилар.

Бу ҳол то мен малол олгунимча давом этди. Кейин:

«Бўлдингми?» дедилар.

«Ҳа», дедим.

«Кетавер», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«Ҳабашийлар келиб, ийд куни масжидда сакраб, рақс туша бошладилар. Бас, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам мени чақирдилар. Мен бошимни у зотнинг елкаларига қўйиб, уларнинг ўйинларига назар сола бошладим. Бу ҳол ўзим назар солишдан қайтгунимча давом этди», дейилган.

Бани Арфида – ҳабашийларнинг номи. Уларнинг катта боболарининг исми Арфида бўлган.

Имом Термизий Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтирган эдилар. Шовқин ва болаларнинг овозини эшитдик. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам турдилар. Қарасак, бир ҳабашия чилдирма чалиб, ўйин тушмоқда.

Атрофида болалар.

«Эй Оиша, бу ёққа кел, қарагин», дедилар у зот.

Бориб, жағимни Расулуллоҳнинг елкаларига қўйиб, у(ҳабашия)га назар сола бошладим. У зот «Тўймадингми? Тўймадингми?» дер эдилар.

Мен у зотнинг ҳузурларидаги мавқеимни билиш учун «Йўқ», дер эдим.

Бирдан Умар пайдо бўлди. Одамлар у(ҳабашия)нинг атрофидан қочиб кетишди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мен инсу жиннинг шайтонлари Умардан қочганларини кўрмоқдаман», дедилар.

Мен қайтдим».

Бу ҳодисаларнинг барчасида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Оиша онамиз розияллоҳу анҳонинг ҳолларини эътиборга олганлари ва у кишига набавий лутф кўрсатганларининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

***“Ҳадис ва ҳаёт” 25-жуз***